



## Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси II ҚУРУЛТОЙИ ҚАРОРИ

2025 йил 14 август

II-2-сонли

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Тафтиш комиссиясининг 2020 йил августдан 2025 йил августгача даврдаги фаолияти юзасидан ҳисоботи тўғрисида

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Тафтиш комиссиясининг 2020-2025 йиллардаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини эшитиб ва муҳокама қилиб Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси II Қурултойи **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Тафтиш комиссияси раиси А.Абдуллаевнинг “Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Тафтиш комиссиясининг 2020 йил августдан 2025 йил августгача даврдаги фаолияти юзасидан ҳисоботи” маълумот учун қабул қилинсин ва тасдиқлансин (илова қилинади).

2. Янги тахрирдаги “Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Тафтиш комиссиялари тўғрисида Низом” тасдиқлансин (илова қилинади).

3. **Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Тафтиш комиссиясига:**

-фаолиятида барча тармоқ касаба уюшма ташкилотларининг Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Тафтиш комиссиялари Низомига қатъий риоя этилишини таъминлаш;

-меъёрий ҳужжатлар, тармоқ Уставлари ва юқори касаба уюшма органлари қарорларига риоя этилиши устидан доимий назоратни амалга ошириш;

-касаба уюшмаси ташкилотларида маблағларнинг тўғри сарфланиши ва мақсадли ишлатилиши устидан қатъий назоратга олиш;

-барча даражадаги касаба уюшмалари ташкилотлари томонидан молиявий интизомга қатъий риоя этилишини таъминлаш, тафтиш комиссияларининг фаолиятини самарали йўлга қўйишга;

-тармоқ касаба уюшмаси қўйи ташкилотларининг тафтиш комиссияларига фаолиятини тўғри йўлга қўйишда, тафтиш, текширув ва бошқа тадбирларни ўтказишда доимий равишда амалий ҳамда услубий ёрдамлар кўрсатиб бориш;

-тармоқ касаба уюшмаси қўйи ташкилотларининг тафтиш комиссиялари аъзолари учун мунтазам равишда ўқув-семинарларини ўтказиб бориш вазифалари топширилсин.

Раислик қилувчи: